

**ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА**  
**ШАРТНОМА № 300**

Тўрткўл шаҳри

2022 йил « 20 » январь

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори **Ўз Телеком АК КР Ф Тўрткўл филиали Ўзбекистон Республикаси**  
(операторнинг номланиши)

Ахборотлаштириш агентлиги томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи **Ж.Сейбуллаев** тимсолида бир томондан, иккинчи томондан **Турткул туман 2-сон касб-хунар мактаби Устав** асосида фаолият юритувчи номидан **Ш.Казаков** қуйидаги шартномани туздилар.

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан алоқа хизматлари учун ажратилган маблағлар доирасида қуйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зиммасига олади Жумладан:  
(сумда)

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 бюджет хисобидан	178 272				178 272
Жами:	178 272				178 272

2021 йил учун шартноманинг умумий суммаси 178 272 (бир юз етмиш саккиз минг икки юз етмиш икки) сумни ташкил қилади.

**2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. Операторнинг мажбуриятлари:**

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.



аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

## **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар. Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий судида ҳал этилади.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғриси»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

## **7. ФОРС-МАЖОР**

Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.

Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

## **8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

8.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## **9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

9.1. Ушбу шартнома «20» январь 2022 йилдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

## **10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

10.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг



6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

**11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**  
**«ОПЕРАТОР»** **«АБОНЕНТ»**

Ташкилотноми: Уз Телеком АК ҚР ф

Ташкилот номи: Турткул туман 2-сон

Турткул Телеком

касб-хураар мактаби

Манзили: Турткул шаҳри. Турткул куча

Манзили: Шураҳон ОФЙ

№51 Тел: 532-13-44

Тел: 536-23-08

Х/р: 20210000904074838139

Ш/хв: 100010860352337092901079002

ИНН: 203366731

ИНН: 203310825

МФО: 00623 ОКОНХ: 52300

Банк: Марказий банк Тошкент ш.

Банк: Алокабанк Нукус

МФО: 00014 ОКОНХ: 92120


Ғазначилик номи:

Ўзбекистон Республикаси МВ Ғазначилиги

Х/р: 23402000300100001010


Раҳбар: Ж.Сейбуллаев

Раҳбар: Г. Курбанбаев



(имзо)

(Ф.И.Ш)



(имзо)

(Ф.И.Ш)

« 20 » январь 2022 йилдаги

№ \_\_\_\_\_ шартномага  
1-сон илова

**СПЕЦИФИКАЦИЯ**

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Сумма
1	Абонентская плата	дона	18	9904	178 272
	<b>ЖАМИ</b>				<b>178 272</b>

Томонлар имзолари



«ОПЕРАТОР»

М.Ў



«АБОНЕНТ»

М.Ў